Ушбу сонда:

2 ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ БИЗГА НИМА БЕРДИ?

3 TV - ДАСТУРИ

4 Зулфия номидаги мукофотга номзодлар
СУРХОН КАШТАСИ


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 27 январ, шанба №16 (1030)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ





## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





***26 январ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда «ДЭУ моторс» компанияси раиси Ли Жонг Дэни қабул қилди.***

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда Жанубий Корея компаниялари билан ҳамкорлик жуда яхши йўлга қўйилганини таъкидлади. «ДЭУ моторс»нинг янги раиси сифатида илк сафарларингиздан бири Ўзбекистонга бўлганидан мамнунмиз, деди Президент.

«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси иқтисодиётимиз ривожига сезиларли улуш қўшиб келаётганини айтиб ўтиш жоиз. Шу боис Ўзбекистон ҳукумати «ДЭУ» корхоналари билан ҳамкорликка катта эътибор қаратиб келяпти. Бугунги кунда «ЎзДЭУавто»да «Матиз» русумли янги автомобил ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга тайёргарлик кўрилмоқда. Шунингдек, яқин вақтлар ичида «Нексия»нинг такомиллаштирилган турини чиқариш ҳам режалаштирилган. Бу тадбирларнинг барчаси «ЎзДЭУавто»нинг фаолияти янада яхшиланиб, рақобатбардош маҳсулотлари сонининг кўпайишига олиб келади. Шунинг учун Ли Жонг Дэ учрашувда «ЎзДЭУавто» ўз компанияси томонидан хорижий мамлакатларда амалга оширилган лойиҳаларнинг энг муваффақиятлиларидан бири бўлганини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас.

Учрашувда икки ўртадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш, ўзаро алоқаларнинг янги қирралари борасида сўз борди.

**(ЎзА).**

**Суратда: қабул пайти.**
**А. ТЎРАЕВ, (ЎзА) олган сурат.**

## САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК
## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Америка Қўшма Штатлари Президенти лавозимига сайланишим муносабати билан йўллаган самимий табрик хатингиз учун Сизга чин дилдан миннатдорлик билдираман. Америка халқининг бу хоҳиш-иродаси мен учун юксак шараф бўлиб, ушбу лавозим тақозо этадиган барча масъулиятни ўз зиммамга олишга тайёрман.

Келгусида турли таҳдидларга дуч келишимиз, шубҳасиз. Ишончим комилки, биз, ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик ва ошкора мулоқот руҳидан келиб чиқиб, бундай таҳдидларга биргаликда қарши тура оламиз. Келажак, шунингдек, улкан имкониятлар ҳам яратади. Биз ҳамжиҳатликда тинчликни мустаҳкамлаш, халқларимиз озодлиги ва фаровонлиги йўлида ўша имкониятлардан кенг фойдаланамиз, деб умид қиламан.

Янги йилда Сизга ва оила аъзоларингизга йўллаган энг самимий тилакларимни қабул этгайсиз.

Самимият билан

**Жорж БУШ,**
**Америка Қўшма Штатлари Президенти.**

## ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича республика комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик, қўмита, уюшма, муассаса, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.***

***Мажлисни Бош вазир ўринбосари, мазкур комиссия раиси Ҳ.Кароматов бошқарди.***

Мажлисда халқимизнинг XX аср сўнгида қўлга киритган улкан тарихий ғалабаси - мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги байрамини юртдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий тафаккурини янада юксалтириш омили сифатида кенг нишонлаш юксак масъулиятли ва айни вақтда шарафли вазифа экани таъкидланди. Зеро, ҳаётимизда энг улуғ, энг азиз бўлиб қолган бу мўътабар айёмнинг ҳар бир фуқарони жамиятимиз олдида турган буюк мақсадлар сари сафарбар этишдаги аҳамияти беқиёсдир.

Йиғилишда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган юбилейни кенг миқёсда нишонлаш борасидаги дастурнинг барча йўналишлари бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш масаласи кенг муҳокама қилинди. Дастурда, миллий давлатчилигимизнинг кўп минг йиллик тарихи ва истиқлол шарофати билан уни қайта тиклаш ва ривожлантириш жараёнини илмий-назарий жиҳатдан кенг тадқиқ қилиш кўзда тутилган. Шу муносабат билан янги аср, янги мингйиллик бошида ЮНЕСКО қарорига биноан Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги, қадимги давлатчилигимиз ва кўҳна илм-фан, маданиятимиз ўз аксини топган бебаҳо тарихий ёдгорлик - «Авесто»нинг 2700 йиллиги истиқлолимиз ўн йиллиги тантаналари билан бир вақтга тўғри келиши муҳим рамзий маънога эга эканлигига эътибор қаратилди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти директори Д.Алимова, Маданият ишлари вазири Х.Жўраев, Давлат матбуот қўмитаси раиси Р.Шоғуломов, Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, Бадиий академия раиси Т.Қўзиев, Ўзтелерадиокомпания раиси А.Кўчимов, «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари М.Ҳазратқулов ва бошқаларнинг ахбороти тингланди.

Байрамга тайёргарлик давомида юртимизда мустақиллик йилларида қўлга киритилган муваффақиятларни кенг тарғиб этиш, мамлакатимиз, халқимиз ҳаётида юз бераётган беқиёс ўзгаришлар, бунёдкорлик, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, тинчлик, эзгулик каби инсоний туйғуларни тараннум этувчи асарлар яратиш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида ҳар жиҳатдан баркамол тарбиялаш бўйича кенг кўламли тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 560 йиллиги, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, «Ўзбекистон - Ватаним маним» анъанавий қўшиқ байрами, шунингдек, бошқа кўплаб кўрик-танлов, кино ҳафталиклари, фестиваль, викторина ва кўргазмалар ана шундай тадбирлар сирасига киради.

Мажлисда мутасадди вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари зиммасига бу борадаги ишларни янада жонлантириш, «XXI аср: истиқлолимиз тимсоли», «Замонамиз қаҳрамонлари», «Истиқлол илҳомлари» сингари мавзуларда китоб ва фотоальбомлар чоп этиш, бадиий, ҳужжатли ва мультфильмлар яратиш, юбилей маркалари, тақвимлар, кўкрак нишонлари, хатжилдлар ва бошқа эсталик совғалари чиқариш вазифаси юклатилди.

Комиссия мажлисида байрамни ўтказиш бўйича республика ташкилий-ишчи гуруҳининг таркиби тасдиқланди ва унга Ватан тарихи, ўтмиш ва замонамиздаги қаҳрамонлар ибрати акс этган оммабоп китобларни нашр этишга алоҳида эътибор бериш вазифаси топширилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Рисқиев, Т.Алимов, Х.Султонов, З.Ҳусниддинов сўзга чиқди.

**(ЎзА).**

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## ЎЗ ИШЛАРИГА ТИКЛАНДИЛАР

Газетамизнинг шу йил 13 январ сонида «Ўз аризасига кўра» сарлавҳали танқидий мақола эълон қилинганди. Унда Жиззах тиббиёт билим юрти директорининг ўринбосари вазифасида ишлаб келган У.Ҳамроев ноқонуний ишдан бўшатилганлиги масаласи кўндаланг қўйилганди.

Газетанинг ушбу чиқиши юзасидан қуйидаги жавоб олинди:

— У.Ҳамроевнинг даъво аризасига кўра Жиззах шаҳар ва туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди уни ўз ишига қайта тиклаш тўғрисида қарор чиқарди.

Суднинг ҳал қилув қарори асосида Жиззах тиббиёт билим юрти маъмуриятининг буйруғи билан жабрланувчига бекор юрган вақти учун 49.500 сўм, маънавий зарар учун 20 минг сўм тўланадиган бўлди.

**О.МУҲИДДИНОВА,**
**Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси раиси.**

* * *

«Ишонч»нинг 2001 йил 9 январ сонида чоп этилган «Ўз ишимга тиклашингизни сўрайман» сарлавҳали танқидий мақола юзасидан қуйидаги мазмунда жавоб олинди:

— Мақолада келтирилган далиллар тасдиқланди. Чиндан ҳам, «Гулшан» болалар боғчаси тарбиячилари Ў.Раҳмонова ва Т.Ўроқовалар ноҳақ ишдан бўшатилган. Мазкур боғчада янги гуруҳ очилиб, туман халқ таълими бўлимининг шу йил 11 январдаги буйруғи билан икки тарбиячи ўз ишларига тикландилар.

Шунингдек, мақолада ўқитувчи ва тарбиячиларга йиллар мобайнида белгиланган ёнилғи ҳақи ажратилмаганлиги ҳам танқид остига олинганди. Ҳақиқатдан ҳам, 663 нафар ўқитувчи ҳамда тарбиячи тўрт йил мобайнида бу имтиёздан бебаҳра бўлиб келган. Хатони тузатиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланди.

**Э.ШАРИПОВ,**
**Навбаҳор туман молия бўлими мудири,**
**Э.ҲАМИДОВ,**
**туман Халқ таълими бўлими мудири,**
**Н.ХИДИРОВ,**
**туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси.**

*Ibrat*

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ
### ҚЎШИМЧА МАБЛАҒ ҲИСОБИДАН

***Термиз туманидаги «Халқобод» ширкат хўжалиги ҳудудидаги 2-умумтаълим ўрта мактабига ташриф буюрган вилоят ҳокими Бахтиёр Олимжоновнинг эътиборини меҳр билан парваришланаётган янги кўчат навлари ўзига тортди.***

Ҳоким мактаб директори, Республикада хизмат кўрсатган Халқ таълими ходими Орол ака Примқуловдан Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан шаҳарни ободонлаштиришга баҳоли қудрат ёрдам беришни сўради.

Ваъда вафоси билан чиройли деганларидек, жами 8000 туп ёнғоқ, бодом, ўрик, шафтоли, 4 хил узум, 5 хил анжир ва бошқа хил манзарали дарахт ниҳоллари белгиланган манзилга жўнатилди. Мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилар жамоасининг бу саховатига жавобан вилоят ҳокими уларга «ДАМАС» енгил автомобили совға қилишни маълум қилди.

— Кўчат экиб элга ҳам, ўзимизга ҳам манфаат келтириш касаба уюшма қўмитамиз ташаббуси эди. Мана, меҳнатимиз ўз самарасини берди. Яна 5 минг тупдан ортиқ кўчатимиз бор. Уларни бозорга чиқарадиган бўлсак, нақд 1 миллион сўм пул бўлади, -дейишди ўқитувчилар. — Ундан мақсадли фойдаланиб, синфхоналарни жиҳозлаб, маданий-оқартув ишларига алоҳида эътибор қаратмоқчимиз. Илғор ўқитувчилар ва аълочи ўқувчиларни қимматбаҳо совғалар, ўқув дарсликлари ва қуроллари билан рағбатлантириб борамиз. Бундан ташқари, бошланғич касаба уюшма қўмитамиз ҳисобидан ота-онасиз ўқувчиларга моддий кўмак беришни йўлга қўямиз. Қўшимча даромадимиздан кутубхонамизга дарсликлар, бадиий китоблар харид қиламиз.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Muxbirimiz bong uradi*

## ЎЖАРЛИК
### ёки ишчи ҳуқуқи нега поймол қилинди?

***Фалокат оёқ остида дейишади. Файзулла эрталаб ишга чиққанида шу куни қўли синиб, бош мияси жароҳатланишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. У ишлаётган «Хоразмирригацияқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли механизациялашган кўчма колонна ишчи-хизматчилари Урганч шаҳрининг марказида хотира майдони қурилишида фаолият кўрсатишарди. Ўтган йилнинг 19-марти эди ўшанда. Хотира майдонининг баланд деворларига ёғоч ҳавозалар кўтарилган бўлиб, уларнинг баландлиги етти метрдан зиёд эди.***

Файзулла ва унинг дўстлари шу ҳавозалар устида туриб, ғишт териш ва пардозлаш ишларини олиб боришди. Бахтсиз ҳодиса ана шу ерда содир бўлди. Оёғи тагидаги тахтанинг ўйнаб кетиши сабабли Файзулла ерга йиқилиб тушди. Ишлаб чиқариш жароҳати олган ишчини шу ерда ҳозир бўлган кўчма колонна бош муҳандиси Т.Самандаров ва ишлаб чиқариш техника бўлими бошлиғи Т.Ражабовлар вилоят шифохонасига олиб борадилар. Бу ерда унга дастлабки тиббий ёрдамлар кўрсатилгач, бир қўли синиб, мияси жароҳатланган Ф.Қурбоновни аҳволи оғир бўлишига қарамасдан уйига олиб кетадилар. Уйда бош муҳандис ва бўлим бошлиғи Файзуллани аврашга тушади:

— Ҳавозадан йиқилганингни ҳеч кимга айтма, токи тузалгунингча иш ҳақингни бериб, ҳолингдан хабар олиб турамиз, - дейишди.

Шундай қилиб улар иккинчи марта ўз айбларини яшириш учун қонун бузилишига йўл қўйишди. Яъни, ишламай уйида ўтирган Ф.Қурбоновга иш ҳақи ёза бошлашди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6-июндаги қарори билан тасдиқланган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигини бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом мулкчиликнинг барча шаклларидан қатъий назар бу борада ягона қонуний ҳужжат ҳисобланади. Ушбу Низомнинг 4-пунктида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар натижасида ходимнинг меҳнат қобилияти камида бир кунга йўқотилса махсус далолатнома тузилиши ҳамда туман ёки шаҳар прокурорига, юқори ташкилотга, меҳнат техника нозирига хабар берилиши шартлиги кўрсатилган. Аммо кўчма колонна раҳбарлари Низомнинг бу талабини бажаришни ўзларига эп кўрмадилар. Улар қўл синса енг ичида қабилида иш тутиб, жавобгарликдан қутулиб қолишга жонжаҳдлари билан уриндилар. Бу борада кўчма колонна техника хавфсизлиги муҳандиси О.Ҳабибуллаевнинг айби каттадир. Бахтсиз ҳодисанинг келиб чиқишига унинг ўз вазифасига масъулиятсизлик билан қараши санитария қоидалари ва нормаларини бузилишига сабабчи бўлган. Техника хавфсизлиги муҳандисининг ўзи воқеа жойида бўлишига қарамай, бахтсиз ҳодисани Низом талабларига биноан ҳужжатлаштириш ўрнига, кўпдан яширган.

Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси томонидан 1991 йил октябр ойида маъқулланган, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган амалдаги Низомга кўра вазирлик ихтиёридаги барча корхона, ташкилот, муассаса ва хўжаликларда меҳнатни муҳофаза қилиш, техника ва ёнғин хавфсизлиги масалаларининг масъулияти шу ташкилот ёки хўжаликнинг биринчи раҳбари зиммасига юклатилган. Шунга қарамасдан кўчма колонна бошлиғи А.Ёрматов инсон тақдирига панжа орасидан қараб, қонун ва Низом талабларини менсимай, бу ишни босди-босди қилишга уринган.

Қинғир ишнинг қийиғи чиқмай қолмайди. Механизациялашган кўчма колоннадаги ғайриқонуний ишлар шу даражага бориб етдики, ишчиларга ойлик маошлари тарқатиш ҳам издан чиқди. Ҳатто Т.Самандаров ва Т.Ражабовлар ўзлари ваъда қилганларидек жароҳат олган Ф.Қурбоновнинг ҳолидан хабар олишмади, уйида даволаниб ётган олти ой учун ёзилган ғайриқонуний маошлар ҳам тўлиқ берилмади. Кўчма колоннадаги бошқа ишларнинг аҳволиниям яхши деб бўлмайди. Колонна раҳбарлари турли баҳоналар билан уларни ишдан бўшатиб юбора бошлади. Буларнинг орасида ишлаб чиқариш жароҳатини олиб, олти ой уйида даволаниб, икки ойдан буён сафдошлари қаторидан ўрин олган Ф.Қурбонов ҳам бор эди. Шундагина Файзулла алданганини билиб қолди. Кейин у ҳамкасб дўстлари Ж.Йўлдошев ва Р.Қурбоновлар билан вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси раиси Қ.Раҳимов қабулига кириб, ўзларини нотўғри ишдан бўшатилганликлари ва қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ёрдам сўрадилар. Эртасига шикоятни текширишга борган вилоят қўмитасининг бош меҳнат ҳуқуқ нозири Х.Қозоқов ва бош меҳнат техника нозири Ҳ.Отажоновларнинг талабларини бажаришни раҳбар ўзига эп кўрмади. Нозирлар ҳам бўш келишмади. Натижада ишчилар иш ҳақидан 7 миллион 336 минг сўм қарздорлик мавжуд эканлиги аниқланди. Вилоят қўмитаси бош меҳнат ҳуқуқ нозири Х.Қозоқов томонидан кўчма колонна бошлиғи А.Ёрматовга ишчиларга барча ойлар учун маошларини бир ой ичида тўлашлари шартлиги ҳақида ёзма кўрсатма берилди. Ушбу ҳолатлар қайд қилинган далолатномага бошлиқ А.Ёрматов ва бош ҳисобчи Х.Рўзиматовлар имзо чекишдан бош тортдилар. Уларнинг даъво қилишларича, «иш ҳақини вақтида беролмаётган қурилиш ташкилотлари вилоятда фақат биргина эмас» эмиш.

Х.Қозоқовнинг ёзма кўргазмаси кўчма колонна раҳбарлари томонидан бажарилмади. Ишчилардан Ж.Йўлдошев, Р.Қурбонов ва Ф.Қурбоновларнинг кўчма колоннадан олиши керак бўлган ойлик маошлари ўтган йилнинг 1 ноябригача ҳиссадорлик (акция) пуллари билан қўшиб ҳисоблаганда 120264 сўмни ташкил қилади, улар бу пулларни ҳалигача олмай юришибди. Бунинг устига ишдан ҳам бўшатилганлар.

Кўчма колонна раҳбарияти ишчиларга ойлик маошларини ўз вақтида беришни пайсалга солиб, Меҳнат Кодексининг 161-моддасини қўпол равишда бузган. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 17 ноябрда чиқарган иш ҳақларини ўз вақтида тўлаш тўғрисидаги қарорини бажармаган.

Хоразм вилоят Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси ишчиларни қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилган ҳолда шикоят бўйича ўрганилган материалларни Хоразм вилояти прокуратурасига юборди.

Ўйлаймизки, ҳақ ўз жойида қарор топади.

**Эркин ЭРМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ўзбекистон Конституцияси бизга нима берди?*

# МУСТАҲКАМ ТАЯНЧ

***«Ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради», - дея таъкидланади давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» китобида. Равшанки, шўролар давридаги конституцияда Ўзбекистон «мустақил, суверен давлат»лиги эътироф этилган эса-да, унинг бирон-бир ҳуқуқий ҳужжатида халқ хоҳиш-иродаси ўз ифодасини топмаганди. Ажабланарлиси, инсон, шахс манфаати уларда деярли ҳисобга олинмаганди.***

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳар бир фуқарони мустаҳкам ҳимоя эта оладиган, фуқаролар манфаатининг устунлигини қонуний равишда мустаҳкамлаган Конституцияга эга бўлдик. Асосий Қонунимизнинг моҳиятини, аҳамиятини чуқур ўрганиш, у том маънода ҳаётимиз дастурил амалига айланишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисидаги Фармойиши беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Кимда-ким Конституциямизни чуқур билса, унга суянса, асло қоқилмайди. Ҳаётий хулосаларга таянган ҳолда ана шу фикрни айтаяпман. Мисол. Ўтган йил якунига кўра, Гулистон шаҳар прокуратурасига фуқаролардан ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этишни сўраб, 200 дан ортиқ ариза тушди. Уларнинг аксарияти тадбиркорлар, корхоналарнинг ишчилари ва ҳатто, мансабдор шахслардан эди. Маълум бўлдики, айрим кишилар, ҳатто раҳбару мутахассислар амалдаги қонунларимизни яхши билмайдилар. Лозим бўлган тақдирда, яъни ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этишда ҳуқуқий саводхонлик етишмаётир.

Шу боис, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигида шаҳардаги 16 та маҳаллада, мактаблар, олий ўқув юртлари, корхоналарда ҳафтанинг маълум кунида машғулотлар ўтказиляпти. Унга тажрибали ҳуқуқшунослар жалб этилганлиги, дарслар кишилар ҳаётидан олинган мисоллар, мунозара ҳамда савол-жавоб тарзида ўтказилаётганлиги ўзининг кутилган натижасини бераяпти. Конституциямизни ўрганишга одамларда иштиёқ баланд. Дастлаб машғулотларда 20-25 нафар киши қатнашган бўлса, эндиликда уларнинг сони уч ҳисса ортди. Машғулотлар ҳамда ўзаро мулоқотларда ёшлар кўпроқ иштирок этаётганлиги бизни қувонтиряпти.

**А.ВАФОЕВ,**
**Гулистон шаҳар прокурорининг ўринбосари, биринчи даражали ҳуқуқшунос.**

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

## Саволларингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

**САВОЛ:** ***Ишловчи пенсионерлар йилда икки ойлик муддат давомида тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга эди. Нима, бу ҳуқуқ бекор қилинганми? Шу ҳақда тушунча берсангиз.***

**Ю.ХОЛИҚОВ,**
**Чироқчи тумани.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг 30 апрел 1996 йилдаги 202/04-1-сон ва Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий-таъминот вазирлигининг 30 апрел 1996 йилдаги 669/05-сон қўшма тушунтиришларига асосан ишловчи пенсионерларнинг розиликлари билан икки ойлик муддатли меҳнат шартномаси асосида ишга ўтказиш ва шу икки ой давомида тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқи берилган эди. 1996 йилдан буён ўтган вақт ичида ишловчи пенсионерлар бу ҳуқуқдан фойдаланиб келишган.

Меҳнат вазирлиги ва Ижтимоий-таъминот вазирлигининг 2000 йил 5 декабрдаги қўшма хатига мувофиқ бу вазирликларнинг 1996 йил 30 апрелдаги ишловчи пенсионерларга йилда икки ой давомида тўлиқ пенсия олиш мумкинлиги тўғрисидаги қўшма тушунтиришлари Адлия вазирлиги ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтмаганлиги туфайли 2001 йилнинг 1 январидан ўз кучини йўқотган, деб ҳисобланган.

Бу қўшма хатда икки ойгача меҳнат шартномаси билан ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлаш Ижтимоий-таъминот, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармалари томонидан ишлаб чиқилиб, Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланган ва 1995 йил 12 декабрда Адлия вазирлигидан 198-рақам билан давлат рўйхатидан ўтган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби»нинг 31-бандида назарда тутилган талабга қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилиши кўрсатиб ўтилган.

Демак, фақат пенсия олаётган шахслар бир йил давомида икки ойга муддатли ишга жойлашиб, бу вақтда тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга. Ходим бу икки ойлик муддатдан бўлиб-бўлиб фойдаланиши ҳам мумкин ва у ишга кирганлиги тўғрисида ижтимоий-таъминот бўлимини хабардор қилиши шарт, яъни ишга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхасини тақдим қилиши керак.

**САВОЛ:** ***Иш ҳақим сақланмаган ҳолда қанча муддатга таътил берилиши мумкин? Батафсил тушунтириш берсангиз.***

**Э.ДЎСЧАНОВ,**
**Амударё тумани.**

**ЖАВОБ:** Меҳнат кодексининг 150-моддасига биноан ходимнинг аризасига биноан унга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилиши мумкин. Бу таътилнинг муддати иш берувчи билан ходимнинг ўзаро келишувига биноан белгиланади. Демак, қонунда иш ҳақи сақланмаган ҳолда бериладиган таътилнинг муддати чегараланган эмас. Бу таътил бир ой, олти ой ҳатто бир йил ҳам бўлиши мумкин.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, муассаса биноларини таъмирлаш ёки корхонада хомашёнинг йўқлиги сабабли айрим ҳолларда иш берувчи ходимларни мажбуран, яъни улардан ариза ёздириб олиб иш ҳақи сақланмайдиган таътилга буйруқ билан чиқаради. Бу ноқонуний ҳисобланади. Чунки Меҳнат кодексининг 177-моддасига асосан иш берувчи ходимлар меҳнатини ташкил қилиши, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда, меҳнат шартномасида назарда тутилган меҳнат шароитини яратиб бериши шарт. Агар иш берувчи меҳнатни ташкил қила олмаса, натижада ходим бекор туриб қолса, Меҳнат кодексининг 159-моддасига биноан унга иш берувчининг айби билан бекор туриб қолган барча вақти учун ўртача иш ҳақи тўланади.

Ходим ариза билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил беришни сўраб мурожаат қилганда иш берувчи бу илтимосга розилик бермаслиги ҳам мумкин.

Лекин Меҳнат кодексининг 150-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ ходимнинг илтимосига кўра қуйидагиларга албатта иш ҳақи сақланмайдиган таътил берилиши шарт:

1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларига ва имтиёзлари жиҳатдан уларга тенглаштирилган шахсларга — ҳар йили ўн тўрт календар кунга қадар;

ишлаётган I ва II-гуруҳ ногиронларига — ҳар йили ўн тўрт календар кунига қадар;

икки ёшдан уч ёшгача бўлган болани парвариш қилаётган аёлларга;

икки ва ундан ортиқ ўн икки ёшгача боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёлларга — ҳар йили ўн тўрт календар кунига қадар;

қонунларда, шунингдек, меҳнат шартномаси шартларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Кўрсатиб ўтилган ходимларга иш ҳақи сақланмайдиган таътил беришнинг иккала тартибида ҳам ходимнинг иш жойи (лавозими) сақланиб қолинади.

Иш берувчи ҳам, ходим ҳам доимо ёдида тутиши керак: икки ҳафтадан ортиқ иш ҳақи сақланмайдиган таътилдан фойдаланилган муддат ходимга асосий меҳнат таътили олиш ҳуқуқини берувчи иш стажига кирмайди.





Самарқанддаги вилоят ширкат қурилиш тресті бунёдкорлари вилоятда кўплаб таҳсинга лойиқ ишларни амалга оширмоқдалар. Улар ҳозиргача туманларда 50 та қишлоқ врачлик пункти, 20 та мактаб, кўплаб болалар боғчалари ва турар-жой биноларини қуриб, фойдаланишга топширдилар.

— Биргина ўтган йилнинг ўзида бир миллиард 500 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдик, - дейди трест раҳбари Раббим Давлатов.

Айни пайтда қўли гул қурувчилар вилоятда касб-ҳунар коллежлари қурилишини ҳам жадал олиб боришаяпти. Пахтачи туманидаги 750 ўринли қурилиш касб-ҳунар коллежи, Иштихондаги Баҳрин қишлоғида жойлашган 450 ўринли қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи шулар жумласидандир.

**Суратларда: 1. Пайвандчи Мавлон Шодиев. 2. Самарқанд туманидаги педагогика коллежи қурилишида.**

**Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## САХОВАТПЕША ФЕРМЕРЛАР

Қўлларини фотиҳага очган Ўғилой момо чин юракдан дуо қиларди:

— Умрингдан барака топгин. Топганинг яхши кунларингга буюрсин. Сен каби саховатпешаларни Эгам ўз паноҳида сақласин...

Яккабоғ туманидаги «Соҳибқирон» жамоа хўжалигининг «Совуқбулоқ» қишлоғида яшовчи Тўра Бердиев номига яна шундай илиқ гаплар айтаётган кексалар кўплаб топилади. Бунинг боиси бор, албатта.

— Кўп йиллар ишлаб чиқаришда меҳнат қилдим, - дейди Тўра ака. - Республикамиз Мустақилликка эришгач, биз сингари қишлоқ кишиларининг ҳам биримиз икки бўлди. Икки йилдирки, ўн гектар майдонда ташкил этилган фермер хўжалигимиздан каттагина даромад қилаяпмиз. 9 гектар майдонда ғўза ўстириб, гектаридан 35 центнердан ҳосил етиштирдик. 1 гектар майдондаги сабзавот билан қўшиб ҳисоблаганда, бир йилнинг ўзида 1 миллион 160 минг сўм соф даромад қилдик.

Дарвоқе, Т.Бердиев ортиқча даромади ҳисобидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳам мурувват кўрсатиб, улар оғирини енгил қилмоқда.

Фермер хўжалигида ҳамма бир мақсад йўлида изланади. Оила бекаси Салима опа самарали меҳнатлари эвазига «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланди. Оиланинг Ҳусниддин, Самариддин, Дилдора, Ҳилола, Адолат сингари меҳнатсевар фарзандлари фермер хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сидқидилдан меҳнат қилаётирлар.

Шунингдек, тумандаги бошқа фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳам ўз ҳудудларидаги кам таъминланган оилаларга мурувват кўрсатиб, кексалар дуосини олаётирлар. Чунончи, «Совуқбулоқ» фермер хўжалиги раҳбари Тўра Бердиев «Турон» болалар интернатини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминласа, «Адиба» фермер хўжалиги «Чашма» шифохонаси учун сут етказиб беради. Амир Темур номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги Алишер Навоий номли мактаб ўқитувчиларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида фермер Эшпўлат Бердиев орттирган маҳсулоти ҳисобидан 3 тонна буғдой берди. Нормурод Норматов раҳбарлигидаги фермер хўжалиги жамоаси «Шомон қирғиз» қишлоғида жойлашган мактаб таъмири учун 90 минг сўмлик маблағ ажратди.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири.**

*Ислоҳот — инсон учун*

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 июлда қабул қилинган «Маънавий-маърифий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 3 сентябрдаги «Республика маънавият ва маърифат кенгашини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида Хоразм вилояти касаба уюшмалари ҳам муайян ишларни амалга оширмоқдалар.***

# ҲАҚИҚИЙ ЛАЗЗАТ — МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИКДА

Шуни таъкидлаш керакки, меҳнаткашлар ва ёшлар онгида юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ўзбек халқининг бой маданий мероси, урф-одати, тарихий анъаналарини омма орасида кенг тарғиб қилишда касаба уюшмалари томонидан бир қатор ижобий ишлар қилинди.

Вилоят касаба уюшмалари тизимидаги маданият уйлари, клублар, кутубхоналарда ижодий учрашувлар, илмий-амалий конференциялар ўтказилмоқда. Бу ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларнинг маданий-маърифий савияларини, миллий урф-одат, анъаналарга бўлган қизиқишларини оширишга хизмат қиляпти.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши, тармоқ вилоят қўмиталари маънавий-маърифий ислоҳотларни чуқурлаштириш юзасидан қатъий режа асосида иш олиб бормоқдалар.

Вилоятдаги соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳам Маънавият ва маърифат хоналари, бурчаклари қайта жиҳозланди, мазмунан бойитилди. Масалан, 1-Тошкент давлат тиббиёт институти Урганч филиалида талабаларнинг дунёқарашини кенгайтиришга қаратилган қатор тадбирлар ўтказиляпти. Бу ерда «Соғлом авлод — келажагимиз пойдевори» мавзуида кўрик-танлов уюштирилди. «Соғ танда соғлом ақл» шиори остида волейбол, баскетбол бўйича спорт мусобақалари уюштирилди. Филиал ходимлари ташаббуси билан шаҳар мактабларида юқори синф ўқувчилари билан учрашувлар ташкил этилди. Вилоят «Тўмарис» жамғармаси томонидан тавсия этилган низом асосида «Тўмарис — жасорат тимсоли» мавзуида қувноқлар ва зукколар кўриги бўлиб ўтди. Институт талабалари иштирокидаги «Авесто» — маънавият ва маърифат дурдонаси» мавзуидаги анжуман ҳам қизиқарли бўлди. Талабалар ўртасида гиёҳвандлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишларни такомиллаштириш мақсадида вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Т.Худойберганов ва бошқа маъмурий орган ходимлари иштирок қилган учрашув таъсирчан ўтди. Талабалар ётоқхонасида мунтазам тарбия мавзуида суҳбатлар ташкил этиляпти. Жумладан, «Жалолиддин Мангуберди — Ватанпарварлик ва фидойилик тимсоли», «Бола — буюк мавжудот», «Сиз эртага келин бўласиз», «Остонаси тилло уй» каби қатор мавзуларда ўтган мулоқотлар талабаларда катта қизиқиш уйғотди.

Вилоят автотранспорт ва йўл хўжалиги корхоналарида ҳам маънавий-маърифий масалаларга кўпроқ эътибор берила бошлади. Маънавият хоналари ташкил қилинди. Урганч автомобил йўл техникумида Бухоро ва Нукус автомобил йўл техникумлари талабалари иштирокида ўткир зеҳнлилар баҳси ўтказилди. Касаба уюшмалари ташаббуси билан ўтган бу баҳсда Урганч автомобил йўл техникуми талабалари ғолиб чиқдилар.

Енгил, мебел саноати, коммунал маиший хизмат корхоналарида маънавий-маърифий тарбия самараси тобора ошиб боряпти.

Тармоқ корхона ва ташкилотларида маънавий-маърифий тадбирлар учун 40 дан зиёд клуб ва хоналар мавжуд, уларда 30 та бадиий ҳаваскорлик тўгараги фаолият кўрсатмоқда. Қарийб 100 минг китобга эга бўлган 10 га яқин кутубхона ишлаб турибди.

«Хоразмгаз» бошқармаси, «Хива гиламлари», «Хива сополи», «Феруз-Хоразм» акциядорлик жамиятлари маиший хизмат коллежида Ибн Сино, Беруний, Замахшарий, Ат-Термизий, Жалолиддин Мангуберди таваллуд саналарига бағишлаб кенг жамоатчилик иштирокида тадбирлар ўтказилди.

Шу йилнинг октябр ойида «Авесто»нинг 2700 йиллигини нишонлашга пухта тайёргарлик кўриляпти. Урганч шаҳрида катта боғ ташкил этиш мўлжалланган. Бироқ маънавият ва маърифат соҳасидаги ислоҳотлар самарадорлигини оширишда вилоят касаба уюшмаларининг айрим ташкилотлари бугунги кун талабларига мос ишламаяпти. Баъзи касаба уюшма фаолларининг бу борадаги ишларида изчиллик, ташаббускорлик етишмаяпти. Кўпгина бошланғич касаба уюшма қўмиталари маданий-оқартув тадбирлари учун ажратилган маблағларни тўлиқ ўзлаштирмаяптилар. Клублар ва кутубхоналар фаолиятини яхшилашга етарли эътибор берилмаяпти. Масалан, қурилиш, алоқа, машинасозлик корхоналарида шундай камчиликларга йўл қўйиляпти.

«Ҳақиқий лаззат жисмоний ҳузур-ҳаловатда, тўкин-сочин ҳаёт кечиришда эмас, балки ақлий ва маънавий камолотга эришишдадир», — деган эди буюк мутафаккир Исмоил Журжоний. Зеро, юртимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ислоҳотлардан кўзланган мақсад ҳам жамиятда ана шундай муҳитни яратишдан иборатдир.

**О.БОЛТАЕВ,**
**Хоразм вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси ўринбосари.**

*Таҳририятга хат*

# КИМ ҲАҚ?

***Кўпинча пойтахтимизнинг 97 ва 72-автобусларидан фойдаланишимга тўғри келади. Давлатимиз томонидан биз ҳарбийларга шаҳар транспортларида бепул юриш имтиёзи берилган. Бироқ юқорида қайд этилган автобуслар чипта сотувчиларининг баъзилари овозини баралла кўтариб:***

«Ҳарбий гувоҳнома ҳаммада ҳам бор», дея ҳар сафар кўпчилик ўртасида изза қилмоқчи бўлишади. Чунончи, шу йилнинг 13 январ куни соат 12 ларда Юнусободнинг «Универсам» бекатидан 8-автосаройга қарашли 03-84 ТНИ белгили 97-автобусга чиқишим билан чипта сотувчи аёл рўпарамда пайдо бўлди. Мен хизмат гувоҳномамни очиб кўрсатдим. Бироқ у ҳарбий кийимда бўлмаганим учун пул тўлашимни талаб қилди. Ниҳоят, охирги бекатга етгач у менинг устимдан ҳайдовчига шикоят қилди. Мўйловли, ўрта ёшлардаги ҳайдовчи:

— Қани, ҳарбий гувоҳномангизни бир кўрай-чи? — дея ҳужжатимни юлқиб олди-да: «Гувоҳномангизни энди автосаройдан оласиз», — деди.

Мен одоб доирасидан чиқмаган ҳолда исм-шарифларини сўраган эдим, улар илтимосимни жавобсиз қолдиришди. Шу пайт автобусдан тушаётган нотаниш йўловчи аёл ҳайдовчи билан чипта сотувчининг ноҳақлигини айтиб, назоратчидан ўша аёлнинг фамилияси Мирсаябова эканлигини билиб берди. Ўз навбатида назоратчи ҳам ҳайдовчидан хизмат гувоҳномасини қайтариб беришни сўради.

Шунга қарамай чиптачи аёл барибир пул ундириб олиши кераклигини айтиб норизолик билдирарди.

— Автобусга тегишли қарорни илиб қўйибсизларку, — дедим уларга.

— Ҳа, у эскириб бекор қилинган, янги қарор чиққан, унда ҳарбий хизматчи аёллар ва курсантлар шаҳар транспортидан текин фойдаланиши кўрсатилган, — деди.

Хуллас, ўз чўнтагини ўйлайдиган бундай шахслар ўзлари ёд билиши зарур бўлган қонунларни билмаслиги ёки тан олмаслиги мен каби йўловчиларнинг асабларини чарчатади, холос.

**Старшина Равшан МЎЙДИНОВ.**

* * *

Газетхоннинг бизга йўллаган юқоридаги эътирозли мактубига ҳуқуқшунос М.ИСАЕВ қуйидагича жавоб берди:

**Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августидаги «Шаҳар йўловчи транспортидан бепул фойдаланишни тартибга солиш ҳақида»ги қонунининг 1-моддасига биноан муддатли ҳарбий хизмат аскарлари, старшина, прапорщик, катта прапорщик, мичман ва катта мичманларга шаҳар йўловчи транспортидан бепул фойдаланиш ҳуқуқи берилган. Шу боис бу ўринда йўловчи ҳақ.**

Хўш, Юнусобод туманидаги 8-автосарой маъмурияти юқоридаги ҳолатга қандай муносабат билдиаркин?

## ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА ЭЪТИБОР

Жиззахда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг 2000 йилги фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлди. Унда комиссия фаолиятидаги ютуқлар эътироф этилгани ҳолда, йўл қўйилган камчиликларга алоҳида эътибор қаратилди.

Чунончи, 2000 йил мобайнида вояга етмаган ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар сони аввалгига нисбатан бирмунча кўпайгани қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Йиғилишда сўзга чиққан мутасадди раҳбарлар комиссия фаолиятини янада жонлантириш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида жамоатчилик билан ҳамкорликнинг барча усулларидан кенг фойдаланиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдириб, амалий таклифларни ўртага ташлашди. Вояга етмаганлар билан олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар режаси белгилаб олинди.

## ХАЙРИЯ ТАДБИРЛАРИ

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси, нодавлат ташкилотлар фаоллари Ромитан туманидаги «Қизилработ» қоракўлчилик хўжалиги чорвадорлари билан учрашиб меҳр-мурувват тадбири ўтказдилар.

Вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси М.Содиқова чорвадорлар фарзандларига совғалар улашиб, уларга сиҳат-саломатлик тилади. Мурувватдан ёрдамга муҳтож оилалар, ногирон ва ёлғиз яшовчилар ҳам баҳраманд бўлдилар.

«Соғлом авлод учун», «Меҳр-шафқат ва саломатлик», «Болалар», «Наврўз» жамғармалари вилоят бўлимлари фаолларидан таркиб топган гуруҳ Пешку туманидаги «Жонгелди» қоракўлчилик хўжалигида ҳам бўлиб хайрия тадбирини ўтказди.

**«Туркистон-пресс».**

## Назм бўстонида

### НАВОИЙГА ТАЪЗИМ

**Тафаккур гулшанингдир шеърий олам,**
**Наводек таралур илоҳий калом.**
**Жўшар қалб шиддати мисоли уммон,**
**Сўз сеҳридан масрур замину осмон.**
**Ғазал мулкида сен беназир султон,**
**Шуурингдан мунаввар жумла жаҳон.**
**Бошингга тож бўлди адлу адолат,**
**Заковатдин чекинди кин-адоват.**
**Шукуҳинг қуёшдек очиб жамолин,**
**Кўрсатмиш элларга халқинг камолин.**
**Садоқат барқ урар ранги-ю оли.**
**Саодатдир Ширин, Лайли висоли.**
**Ҳамонки қалбларни чорлаб иймонга,**
**Яшарсан озоду обод замонда.**
**Моҳи маъволаринг уйғотгай ҳайрат,**
**Гўзал ашъорларинг лол этмиш, ҳазрат.**
**Муҳаббат туҳфадир бани инсонга,**
**Тириклик бахш этар Гулижаҳонга.**
**Севинчлардан бошим етгай самога,**
**Шукроналар айтиб ул раҳнамога.**

Гулжаҳон **АБДУРАҲМОНОВА.**

### ДУНЁДА ГЎЗАЛЛАР КЎПДИР ТОЖ КИЙГАН...

**Мунажжимлар бежиз юлдуз санамас,**
**Биттага кам чиқар нуқул, негадир.**
**Афандини эсланг, ҳисоби чалкаш —**
**Ўтирган супаси унут бўладир.**

**Чуқур ўйласак-чи, бир юлдуз экан**
**Ёниқ юлдузларнинг ёниғи Ер ҳам.**
**Дунёда гўзаллар кўпдир тож кийган,**
**Аммо сен тожсиз ҳам энг гўзал, эркам.**

### УЛ КИМДИР

**Ҳайдалиш куйини, ажралиш куйин**
**Эшитмоқ истаги уйғонган сархуш —**
**Отабек менчалик ёнганми куйиб**
**Сенчалик азобда қолганми Кумуш?**

**Ёмғирдан кейинги рангин камалак**
**Ё саҳро сароби эдингми, висол!**
**Билмам, бу юракми, ғалвирми, элак,**
**Ул кимдир, йигитми, мункиллаган чол?!**

**Ҳаёт кетаётир ортига боқмай,**
**Ушлай десанг тизгин, улови ҳам йўқ.**
**Нега дунёсидан ахир тутоқмай -**
**Отабеги оздир, Ҳомидлари кўп.**

### ТЎРТЛИК

**Яхшиям қоғоз бор — тубсиз сир қудуқ,**
**Сингиб кетаверар нуқсонми, ютуқ.**
**Фақат бир сирни ҳеч тушунолмадим —**
**Челак ташлаганни қўймайди қуруқ.**

Муҳаммад **ЗАЙНИДДИН.**

## КИТОБЛАР КЎРГАЗМАСИ

Самарқанд савдо институтининг маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан китоблар кўргазмаси ташкил этилди. Институт жамоаси қўлга киритган чет эл грантлари ҳамда ўқув юртининг ўз маблағи ҳисобига келтирилган ўзбек, рус, инглиз тилларидаги адабиётлар, ўқув қўлланмаларининг умумий қиймати 19 минг АҚШ долларига тенг. Китоблар орасида Президент Ислом Каримов асарлари, шунингдек, замонавий менежмент, маркетинг, бозор иқтисодиёти мавзуларига бағишланган илмий рисолалар мавжуд.

**(ЎзА)**

*Зулфия номидаги мукофотга номзодлар*

# СУРХОН КАШТАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Зулфия номидаги мукофот номзодлари орасида Шўрчи туман марказий кутубхонаси ходимаси Роҳат Тошбоева ҳам бор. Бугун у туман, вилоят, республика босқичларидан ўтди. Хўш, Роҳат қайси иши, ҳунари билан элнинг ва ҳайъатнинг назарига тушди? Келинг, гапни сал нарироқдан бошлайлик.***

Роҳатнинг Ҳожар деган аммаси ва Ихлим деган холаси бор. Амма, хола ҳаммада бор, нима бўпти дерсиз. Гап шундаки, бу амма, холанинг қўллари гул, асл каштачилардир. Улар кўз нурларини тонготаргача телевизор томошасига сарфламайдилар, балки матоларга ранг-баранг гул соладилар, одамни ҳайратда қолдирадиган кашта тикадилар.Хуллас, Роҳат шу амма-холалари сабаб бўлиб, ўн ёшидан бери кашта тикади. Баъзиларнинг айтишига қараганда, орадан ўн йил ўтгач, яъни бугунги кунда Роҳат устозларидан ҳам ўтиб кетибди. Яхши-да, улар шу кунларни қанчалик илҳақ бўлиб кутишган эди. Ҳозир унинг қўлидан чиққан каштачилик намуналарининг элликдан ошиғи мухлисларнинг, томошабинларнинг, кўрик-танловлардаги ҳайъат аъзоларининг ҳайратига сабаб бўлмоқда. Таъбир жоиз бўлса, у Сурхон воҳасида қадимдан урф бўлиб келган ва сўнгги пайтларда қарийб унутилаёзган каштачилик буюмларини яна жонлантирди, ўзгача бир жозиба кашф этди. Унинг қўлидан чиққан тўпакли тенгмат, белқарс, безакли жўмалак, гулдўзи дўппи, сурхон қасаба дўпписи, хапабанд, нози гардан, чонач, шорақай бўғжома, бибишак, Алпомиш дубулғаси, ой гилам, апран кийиз, ханжар қин, мўкки боғ, каштали парпар кўйлак ва бошқалар халқ амалий санъатининг чинакам намуналари дея баҳоланмоқда. «Чонач ўзи нима?», дея сўрадик каштачи синглимиздан. Шунда у бизга тушунарли бўлсин учун халқона тўрт сатр шеърни ёдимизга солди: «Подачи пармоначи, Қўлтиғида чоначи, олтмиш уйдан ош ичиб, очдан ўлган подачи». Шунда биз чонач асли нима эканлигини тушундиккўйдик.

— Битта кашталик буюм қанча вақтни олади? - сўрадик ундан.

— Баъзан бир ҳафта кетади, баъзи буюмларга эса бир ой вақт сарф бўлади. Масалан, сўнгги ишларимдан бири «Сурхон келинининг каштали кўйлаги»ни бир ойдан кўпроқ вақтда тамомладим.

Каштачи қизнинг холаси Ихлим опа шундай дейди:

— Роҳати қурғурга каштачиликни ўргатиб, кўп ташвишга қолдим. Баъзан ухламасдан тонготаргача кашта тикади. Унга қўшилиб қизларим ҳам кашта тикишади, кеч ухлашади. Кашта турганда на гурунгга қулоқ солишади, на телевизор кўришади.

Яна бир нарсаки, Роҳатнинг барча каштачилик ишлари қўл билан бажарилади. Тикув машинасини ишлатмайди. Унинг каштачилик буюмларига харидорлар ошгандан ошиб бормоқда. Энг муҳими, Сурхоннинг қадимий санъати Роҳат тикаётган кашталарда ўзининг ҳайратомуз жилоларини қайтадан кашф этмоқда.

**«Туркистон-пресс».**






## Футбол

### ИРИСМЕТОВ — «СПАРТАК»ДА

Хориж клубларида тўп сураётган легионер футболчиларимиз сони яна биттага кўпайди. «Дўстлик» ҳужумчиси, ўтган мавсум тўпурари Жаъфар Ирисметов Россия чемпиони «Спартак» жамоаси сафига қабул қилинди. Қисқа вақт мобайнида бош мураббий Олег Романцев ишончини қозона олган Ж.Ирисметов клубнинг Исроилда ўтган йиғинида муваффақиятли иштирок этди. Айни кунларда ҳал қилувчи паллага кирган МДҲ чемпионлар кубоги беллашувларининг гуруҳ баҳсларида ҳам вакилимиз ишончли ҳаракат қилди, ҳатто учта гол муаллифи ҳам бўлди. Бу клуб раҳбарларининг узил-кесил қарорига сабаб бўлди.

«Дўстлик» ҳамда «Спартак» раҳбарияти келишувига биноан энди футболчимиз тўрт йил давомида москваликлар жамоаси таркибида фаолият кўрсатади.

## Бу ажиб дунё

# БУГУННИНГ РОБИНЗОНИ

Бу ҳақда дастлаб эшитган чоғимиздаёқ машҳур испан ёзувчиси Даниэл Дефонинг китоби эсга тушди. Дарҳақиқат, бу китобни ўқимаган, тақдир тақозоси билан кимсасиз оролда ўттиз йилдан зиёд қолиб кетиб инсон боласи имкониятларини намоён этган Робинзон Крузо кечмишлари билан хаёлан неча ойлар банд бўлиб юрмаган, ҳатто ,ўзи ҳам у сингари кимсасиз оролгами, ёки шу сингари жойларга боришни режалаштирмаган бола топилмаса керак. Китоб сўз бошисида ёзилганидек унинг дунёга келганига уч юз йилдан анча вақт ўтган бўлса-да, ҳамон ҳар бир авлод унинг таассуротларини бошдан ўтказмасдан қўймайди. Шавкат Абдулла ўғли ҳам балки ана шундай романтик инсонлардан биридир дерсиз!

Шундай эмас экан.

— Болалигим оғир даврга, дунёнинг ағдар-тўнтар замонига тўғри келган, - дейди Ш.Гусейнов. - Асли ўзим Севастопол шаҳрида туғилганман. Турк миллатига мансубман. Мактабга бормасимиздан уруш бошланиб қолди. Қарангки, миллион-миллион халқлар СССР деб аталмиш бошиохири йўқ мамлакатнинг турли жойларига кўчирма қилинганида биз яхшики, Ўзбекистонга келиб тушдик. Етиб келганимизга қадар баъзи юртдошларимиз йўлдаги беҳисоб азоб-уқубатларга, очарчиликка дош бера олмасдан ўлиб кетишди. Ёруғ кунлар келгач кўпгина юртдошларим ўз ватанларига қайтиш имконига эга бўлдилар. Лекин мен шу серқуёш, жаннатмакон заминга меҳр боғлаб қолган эканман. Қолаверса, кўпгина яқинларимнинг ҳоки шу ерга қўйилган. Кетмадим.

Бундан ўн йилча олдин мен ўзимча яшай бошладим. Лекин барибир кўпчилик кўпчилик экан. Кимдир радио ёки магнитафон эшитгиси, телевизорни баландлатиб кўргиси келади. Мен эса болаликдан табиатни севаман. Ёшлигимда ҳам уйқудан барвақтроқ туриб, мовий осмонга тикилганча хаёл суришни яхши кўрардим. Энди билсам, ўша одатим йўқолиш ўрнига такомилига етиб борган экан. Бир сўз билан айтганда, мен ўзимни Хазрати табиатга бағишлаган одамман. Одам яшамаса, руҳини камолга етказиши қийин деб ҳисоблайман. Мен мана, неча йилларки, табиат шайдосиман. Мевани хуш кўраман, қишга ҳам ғамлаб қўяман. Гўштдан парҳезим бор.

Шавкат оға бироз сукут сақлади-да қўшиб қўйди:

— Анча вақтлардан бери ҳинд йогаси билан шуғулланаман. Танам заифлашган маҳалларда машқ қилиб қайтадан қувватга киргандек бўламан.

У анчагина қизиқ гапларни айтди. Суҳбатдошимизнинг олий мавжудот, самовий муносабатлар, танҳо қалбнинг руҳий ҳолати каби фикрлари кишини ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди.

Шавкат Гусейнов бир неча йил Сирдарё ўртасидаги танҳо оролда истиқомат қилди. Мана етти йилдирки, Чуст ва Поп оралиғидаги адирликларда яшаб келяпти. Айтгандай, икки итни ўзига шерик қилиб олган. Ўзи адирлик четидан кавлаб олган қўлбола кулбаси олдида қўлида юлғун хасса билан турган, алп қоматли замонавий Робинзон билан хайрлашар эканмиз, турфа табиат ва одамлар ҳақида ўйлаб кетдик. Ўзи айтмоқчи, табиатнинг чинакам ошиғи бўлган, ўзини унинг ажралмас бўлаги деб тушунадиган бу одам хоҳишига биз нима ҳам дея олардик. Лекин, бутун вужуди билан инсонларга талпинаётгани сезилиб турарди.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ.**

## ҚОЛОҚ МАКТАБЛАРГА ЖАЗО, ОТА-ОНАЛАРГА ВАУЧЕР

Президент Жорж Буш Конгрессга тақдим этган дастлабки қонун лойиҳаси таълимни ислоҳ қилиш билан боғлиқдир. Президент қолоқ мактаблардаги ўқувчилар билимини ошириш учун қўшимча маблағлар ажратишни таклиф қилди. Агар бу тадбир натижа бермаса, ота-оналарга болаларини ўзлари истаган давлат ёки хусусий мактабларда ўқитиш учун молиявий ёрдам сифатида бир ярим минг доллар миқдорида ваучер ажратилади.

Мухбирларнинг Вашингтондан хабар беришларича, шу йўл билан Буш ўртамиёна даражага ҳам кўтарила олмаётган мактабларни жазоламоқчи бўлади. Ота-оналарга ёрдам таклиф қилиш билан бир қаторда, у қонун лойиҳасини қабул қилишда демократларнинг қўллаб-қувватлаши умид қиляпти. Президентнинг янги режасига кўра, болалар ҳар йили имтиҳон топширадиган бўлдилар. Мактабларга ўз кўрсаткичларини яхшилаш учун уч йил мухлат берилиб, шундан кейин ёрдам бекор қилинади.

Демократларнинг фикрига кўра, агар мактаблар молиявий ёрдамдан маҳрум этилса, уларда таълим савияси янада пасайиб кетади. Оддий америкалик болалар учун таълим тизимини яхшилаш янги Президентнинг сайловолди дастуридаги асосий мақсадлардан бири эди.

# БОШҚОТИРМА



**Бўйига**:1.Ҳарбий унвон. 2.Покиза, озода. 3.Спорт мусобақаларидаги ҳал қилувчи ўйин. 4.Қалбаки. 5.Кўкнорининг пишиб етилган кўсагидан олинадиган сутсимон шира. 6.Ёзувчи Неъмат Аминов қаламига мансуб асар. 9.Астрономиядаги масофа ўлчов бирлиги. 10.Толали тузилишга эга минерал. 15.Глюкозитлар группасига мансуб азотсиз мураккаб бирикма. 18.Руҳий дармонсизланиш хасталигининг тиббиётдаги термини. 19.Чаққон, ҳаракатчан. 20.Мусулмон руҳонийларининг юқори табақаси. 24.Салавкийлар давлати подшоларига берилган ном. 25.«Калила ва Димна» қаҳрамони. 26. Нақш тури. 27. Буюк инглиз драматурги. 31.Оппоқ, момиқ хомашё. 32.Муқаддас диний китоб. 34.Яман Араб республикаси пойтахти. 36.Ижод маҳсули.

**Энига**:7.Варақасимон силикатлар туркумига мансуб кимёвий модда. 8.Тинч океанидаги вулқон ороли. 11.Туркия пул бирлиги. 12.Кристалл модда. 13.Халқ томонидан сайланган киши. 14.Физикада инерсияни характерлайдиган миқдор. 16.Физик олим. 17.Чивиқдан тўқилган идиш. 21.Асалари безидан тайёрланадиган доривор модда. 22.Шарҳ, тушунтириш. 23.Халқум безларининг яллиғланиш касали. 25.Думли юлдуз. 28.Чуғурчиқлар оиласига мансуб сайроқи қуш. 29.Ундан тайёрланадиган суюқ овқат. 30.Мимик ҳаракатлардан иборат, якка шахс ижросидаги асар. 33.Тикувчилик асбоби. 35.Ойга учувчи АҚШ космик кемаси. 36.Димоқ қичиши натижасида ғайриихтиёрий равишда чиқадиган ҳаво оқими. 37.Созандалар гуруҳи. 38.Портловчи модда.

**Газетамизнинг 12-сонида берилган бошқотирма жавоблари:**

**БЎЙИГА:** 1.Юнга. 2.Гард. 3.«Уфор». 5.Ара. 6.Окс. 7.Вассал. 8.Қолдиқ. 10.Армия. 12.Агент. 13.Кок. 14.Сатин. 15.Хар. 18.Арзанда. 19.Изғирин. 20.Геоид. 21.Макка. 24.Акула. 25.Асака. 26.Платон. 28.Фарида. 29.Манго. 30.Пас. 31.Исо. 35.Оро. 36.Ироқ. 38.Куба. 39.Онг. 40.Пума.

**ЭНИГА:** 4.Шакаргуфтор. 9.Қарағанда. 11.Аристофон. 16.Ротмистр. 17.Бодрезак. 20.Гардиазим. 22.Самовар. 23.Диккенс. 27.Дидактика. 32.Калахари. 33.Варанаси. 34.Патология. 37.Аккардеон. 41.Қоровулбеги.

## КЎМИРДАН КИМЁВИЙ ЙЎЛ БИЛАН

Кўмирдан кимёвий йўл билан 300 га яқин номда турли маҳсулотлар олинади. Ҳатто Европада кўп истеъмол қилинадиган сахарин ҳам тошкўмирдан ҳосил қилинади..

Кўмирни коксга айлантириш жараёнида металлургия ва энергетика кўкисидан ташқари кўп миқдорда суюқ ва газсимон маҳсулотлар: тошкўмир смоласи, тозаланмаган бензин, кокс гази олинади.

Кокс гази энергетик ва технологик ёқилғи сифатида кимёвий синтез учун, кокс печларини иситишда, мартен печлари ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнларида фойдаланилади. Кокс газини совитиб тошкўмир смоласи олинади, уни ҳайдаш эса кимё саноатида кенг фойдаланиладиган кўплаб маҳсулот беради. Ярим коксга айлантиришда қўнғир кўмирдан 500-550 даража ҳароратда газ, ярим кокс ва суюқ маҳсулотлар олиш мумкин.

Газ — қимматбаҳо ёқилғи ва технологик хомашё бўлиб хизмат қилади. Ярим кокс — тутунсиз ёқилғи, шунингдек, ундан технологик газ ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланилади. Суюқ маҳсулотлардан эса матор ёқилғиси ва қимматбаҳо кимёвий моддалар — фенол, парафин, мойлаш учун ишлатиладиган ва бошқа хил мойлар, ацетон, уксус кислотаси ва бошқалар олинади.

**Акбар АЛИЕВ.**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ
Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, 136-58-45;
Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 23.10

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи;* 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2024. 1 2 3 4 5 6